



ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ВА УНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ТУТГАН ЎРНИ

Икромжонов Акмалжон Махмуджонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

мустақил тадқиқотчиси

Тел: (+99890) 1398198

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8384989>

ARTICLE INFO

Received: 18th September 2023

Accepted: 27th September 2023

Online: 28th September 2023

KEY WORDS

Ҳанафий мазҳаби, усул ал-фиқҳ, Фахруддин Ўзжандий, Шихобуддин Маржоний, Абу Ханифа, ибн Камол Бошо, ибн Қутлубуғо.

ABSTRACT

Фахруддин Ўзжандий ва у кишининг шогирдлари ҳанафий мазҳабининг асосий усул қоидаларини ишлаб чиқарувчи, улардан олдинги Фахриддин Розий, Ал-Хассоф, Ат-Таҳовий ва Ал-Кархийлардек мутақаддим фақиҳлар мазҳаб асосчилари жорий қилган қоидаларни жамлаб усул қоидалари мажмуини яратди. Мақолада сўз юритадиган Фахруддин Ўзжандий сингари мутааххир олим эса ўзларидан олдинги мутақаддим фақиҳларнинг жорий қилган қоида ва тамойилларини атрофлича ёритиб берилди. Уларни далиллаб, энг саҳиҳ қовллар билан қувватлаб шарҳлади. Энг асосийси бу маълумотларни энг лойиқ боб ва бўлимларга тақсимлаб, ҳанафий мазҳаби усул ул-фиқҳ илмини таълим берадиган тенгсиз асарларни ёзиб қолдирди. Мақсуд мақолада Ҳанафий мазҳабининг мана шундай сўнги авлод энг забардаст олими ва у қолдирган илмий меърос ҳақида сўз юритилади.

Фахруддин Ўзжандий устозларининг силсиласи қуйидаги тартибда берилган: Фахруддин Қозихон (ваф. 592/1195 й.) Заҳируддин Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан (ваф. 600/1203 й.), у Бурхонуддин ал-Кабир Абдул-Азиз ибн Умар ибн Моза (ваф. 517/1123 й.) ва Маҳмуд ибн Абдул-Азиз ал-Ўзжандийдан, улар Шамсул-аъимма Муҳаммад ибн Аҳмад Ас-Сарахсий (ваф. 483/1090 й.), у Шамсул-аъимма Абдулазиз ибн Аҳмад Ал-Ҳалвоний (ваф. 449/1057 й.), у Ал-Ҳусайн ибн Хадр Абу Али ан-Насафийдан (ваф. 424/1033 й.), у Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазлдан ал-Бухорий (ваф. 381/991 й.), у Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ас-Субазмунийдан (258/871-340/971 йй.), у Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс Ас-Сағирдан (ваф. 264/877 й.), у отаси Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забруқон Абу Ҳафс Ал-Кабирдан (ваф. 150/-217/), у Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийдан (131/748-189/805 йй.), у Абу Ҳанифадан (80/699-150/767 йй.) илм олган¹.

¹ Лакнавий. Ал-Фаво'ид. – Б. 111, 107, 166, 342, 261, 162, 113, 303, 177, 39, 268; Аз-Заҳабий. Сияр ал-Аълом. – Ж.12. – Б. 617; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 93, 74, 437



Фахруддин Ўзжандий кўп устозлардан фикҳ илмини ўрганган. Уларнинг машхурлари қуйидагилар:

1. Абул-Маҳасин Заҳируддин Ҳасан ибн Али ибн Абдул-Азиз ал-Марғиноний (ваф. 600/1203 й.)². Табақот китобларида “Ал-Ақзия ваш-Шурут”, “Ал-Фатово аз-Заҳириййа”, “Ал-Фавоид” ва бошқа китобларни ёзиб қолдиргани айtilган³. Бу киши Фахруддин Ўзжандийнинг отаси Мансур ибн Маҳмуд билан амакивачча бўлишган. Абдул-Қодир ал-Қураший янглиш ўлароқ Али ибн Абдул-Азизни Фахруддин Ўзжандийнинг устози деб айтган⁴. Лакнавий эса, бунининг хато эканини таъкидлаб, Қозихоннинг устози Заҳируддин ал-Кабир Али ибн Абдул-Азиз эмас, балки Ҳасан ибн Али ибн Абдул-Азиз эканини айтган⁵.

Икки табақот китобларида келтирилган маълумотларни қиёсий ўрганиш натижасида Заҳируддин ал-Кабир Али ибн Абдул-Азизнинг (ваф. 560/1164 й.) вафот этган йилидан келиб чиқиб, шунингдек уларнинг бир-бирига яқин қариндош эканини эътиборга олиб Фахруддин ал-Ўзжандий ундан илм ўрганган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

2. Маҳмуд ибн Абдул-Азиз ибн Абдур-Раззоқ ал-Ўзжандий⁶. Унинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Бу киши Фахруддин Ўзжандийнинг бобоси бўлиб, табақот китобларида “олти муфтий” ака-укаларнинг иккинчиси ўлароқ келтирилган⁷.

3. Рукнул-Ислом Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Шис ибн Ҳакам ас-Саффор Ал-Ансорий ал-Воилий ал-Бухорий. Бу киши Бухорода 460/1067 йили таваллуд топиб, 534/1139 йили ўша ерда вафот этган. У “Талхис аз-зоҳидий”, “Талхис ал-Адилла лиқаваъид ат-тавҳид” ва “Китаб ас-сунна вал-жамоа” номли асарларни ёзиб қолдирган⁸. Абу Исҳоқ ас-Саффор Бухоро фақиҳларининг бошлиғи (*раиси*) бўлган. Амир ва хонларга кўп насиҳат қилгани, уларга одилона талаблар қўйгани сабабли Султон Санжар уни Марвга сургун қилдириб, ўша ерда ашашга мажбур қилган⁹. Фахруддин Ўзжандий ундан фикҳ илмини ўрганган¹⁰.

4. Низомуддин Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Али Ал-Марғиноний (вафот этган йили маълум эмас) Фахруддин ал-Ўзжандийнинг устозларидан бўлиб, унга фикҳ илмини ўргатган¹¹.

Табақот китобларида Фахруддин ал-Ўзжандий етиштирган бир қанча фақиҳларнинг исмлари келтирилган. Улар қуйидагилар:

1. Абул-Маҳамид Жамолуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдус-Саййид ибн Усмон ибн Наср ибн Абдул-Малик ал-Ҳасирий¹². У Фахруддин ал-Ўзжандийнинг хос

² Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 74; Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151; Ат-Тамимий. Ат-Табақот ас-саниййа. – Ж.3. – Б. 95; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 107; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 573; Brockelmann. GAL.) – Ж.1 – Б. 379 (423)

³ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 107; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 74; Ҳадийятул-орифин. – Ж.1. – Б. 144 (240)

⁴ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 576

⁵ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 205

⁶ Brockelmann. GAL. – Ж.1 – Б. 376; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111, 342

⁷ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.3. – Б. 446

⁸ Ҳадийятул-орифин. – Ж.1. – Б. 9; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 24; Кавакжи. – Б. 224; Ат-Тамимий. Ат-Табақот ас-саниййа. – Ж.1. – Б. 186;

⁹ Самъоний. Ал-Ансоб. – Ж.8. – Б. 77

¹⁰ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.1. – Б. 73

¹¹ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 93; Ат-Тамимий. Ат-Табақот ас-саниййа. – Ж.3. – Б. 116



талабаларидан бўлиб, унинг қўлида етук фақиҳ бўлиб етишган. У Нишопурда Муъайяд ат-Товусийнинг қўлида Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” асарини ўрганган, Шом диёрига бориб, “Нурийя” мадрасасида дарс берган. Жамолуддин ал-Ҳасирий Бухорода 546/1151 йили таваллуд топиб, Дамашқда 636/1238 йили вафот этган. Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Ал-Жоме ал-Кабир” ва “Ас-Сияр ал-Кабир” асарларига шарҳ ёзган. Табақот китобларида “Ал-Жоме ал-Кабир” асарига иккита шарҳ ёзгани айtilган. Улардан бири узун бўлиб, “Ат-Тахрир” деб номланган. Шунингдек, унинг “Мухтасар” ва икки жилддан иборат “Хайру матлуб фил-илм ал-марғуб” исмли фикҳга оид асар ёзиб қолдиргани маълум¹³.

2. Шамсул-аъимма Абул-Вужд Муҳаммад ибн Абдус-Саттор ибн Муҳаммад ал-Кардарий ал-Имадий (559/1163-642/1244 йй.)¹⁴. Лакнавий янглиш ўлароқ унинг туғилган санасини 599/1164 ҳижрий йил деб кўрсатган. Бундай ҳолда у Фахруддин Қозихондан дарс олмаган бўлиб қолади. Бошқа табақот китобларида унинг туғилган санасини 559/1163 йил деб кўрсатилган. У Бухорода вафот этиб, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунийнинг қабри ёнида дафн қилинган. У Фахруддин Қозихон ал-Ўзжандий, Имодуддин Умар ибн Бакр аз-Заранжарий (ваф. 584/1188 й.), Бурҳонуддин ал-Марғиноний (ваф. 552/1157 й.), Бадруддин Умар ибн Абдул-Карим ал-Варсакий (вафт. 594/1197 й.), Шарафуддин Умар ибн Муҳаммад ал-Ақилий (ваф. 576/1180 й.) каби замонасининг етук алломаларидан дарс олган. Лакнавий Фахруддин ал-Ўзжандийни Муҳаммад Ал-Кардарийнинг энг улуғ устозларидан деб айтган. Ал-Кардарий “Мухтасар Ҳусомуддин ал-Ахсикатий” асарини, шунингдек, “Ал-Ҳаққ ал-мубин фи дафъи шубҳот ал-мубтилин” ёки “Ад-Дурра ал-Мунифийя фи интисор ал-Имам ал-Аъзам Абу Ҳанифа” деб номланган рисоласини ёзиб қолдиргани маълум. Рисолада Имом Ғазолийнинг Имом Абу Ҳанифага қарши таъналарига жавобан олти фаслдан иборат раддия ёзган¹⁵.

3. Нажмуддин Юсуф ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Хосий (ваф. 634/1236 йй.)¹⁶. У Фахруддин ал-Ўзжандий ва Ас-Садр аш-Шаҳид Ҳусомуддин Умардан фикҳ илмини ўрганган. У “Мухтасар ал-фусул”, “Ал-Фатава ас-Суғро” ва “Ал-Фатава ал-Кубро” номли асарларни ёзиб қолдирган¹⁷.

4. Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад Абдур-Рашид ибн Ҳусайн ал-Бухорий (482/1089-542/1147 йй.)¹⁸. У “Масалада мужтаҳид” мақомига эришган фақиҳлардан бўлган, Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби шайхи дея таърифланган. Ифтихоруддин ал-Бухорийнинг тоғаси Заҳируддин Ҳасан ибн Али Фахруддин Қозихон ал-Ўзжандийнинг

¹² Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 336 (205); Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 462, 285; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.3. – Б. 431; Brockelmann, GAL. – Ж.1. – Б. 380 (424); Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.3. – Б. 796

¹³ Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 286; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.7. – Б. 161

¹⁴ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 290 (228, 176); Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 458, 267; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.3. – Б. 228; Аз-Заҳабий. Сиярул-Аълом. – Ж.23. – Б. 112; Brockelmann, GAL. – Ж.1. – Б. 381 (425); Ҳадиййа ал-’орифин. – Ж.2. – Б. 122 (63); Ибн ал-Имод. Шазарот аз-заҳаб. – Ж.7. – Б. 376

¹⁵ Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. 410. – Б.

¹⁶ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 374 (226); Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 319; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.3. – Б. 617; Brockelmann, GAL. – Ж.1. – Б. 380 (424); Ҳажжи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж.2. – Б. 1222

¹⁷ Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.8. – Б. 214.

¹⁸ Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 172; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.3. – Б. 220; Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 276; Brockelmann, GAL. – Ж.1. – Б. 374 (418); Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.2. – Б. 9; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 146, (84, 591); Ҳажжи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж.1. – Б. 702, 703



амакиваччаси бўлган. У Фахруддин Қозихондан фикҳ илмини ўрганган¹⁹. Унинг “Хулосатул-Фатово”, “Ал-Воқеот”, “Китоб ан-Нисоб” номли асарларни ёзиб қолдиргани маълум.

5. Нажмул-аъиммати ал-Ҳакимий²⁰ (вафот йили маълум эмас). Лакнавий уни Фахруддин Қозихоннинг шогирди деб айтган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қозихоннинг нафақат устозлари, балки у етиштирган шогирдлари ҳам замонасининг забардаст алломалари бўлишган. Уларнинг ижодлари ҳозирги кунга қадар ўрганиб келинмоқда. Демак, бу ҳолат Фахруддин Ўзжандийнинг ўша давр фикҳ мактабининг забардаст ва ўз мавқеига эга фақиҳи бўлганини кўрсатади.

Табақот китобларида Фахруддин Ўзжандийнинг бир қанча асар ёзиб қолдиргани ҳақида маълумотлар келган. Уларнинг айримлари бизгача етиб келмаган. Ҳозирги кунга қадар Фахруддин Ўзжандийнинг тўртта асари ҳақидаги маълумотлар ўз тасдиғини топган. Улар қуйидаги асарлардир:

1. “Фатово Қозихон”²¹ асари²² (فَتَاوَى قَاضِيْخَان).
2. “Шарҳ ал-Жоме ас-Сағир”²³ асари (شَرْحُ الْجَامِعِ الصَّغِير).

Мазкур асар икки жуздан иборат бўлиб бўлиб, у Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийдан ривоят қилинган “Зоҳирур-ривоя” номли тўплам таркибига кирувчи “Ал-Жоме ас-Сағир” асарига ёзилган муҳим шарҳлардан биридир²⁴. Асарда “Ал-Жоме ас-Сағир” асарининг матни шарҳдан ажратиб ёзилмаган. Муаллиф “Фатово Қозихон” асарида келганидек аввал Абу Ҳанифа, у кишининг шогирдлари ва бошқа ҳанафий фақиҳлари, Имом Шофеъий, Имом Молик ва тобеин мужтаҳид фақиҳларидан кейин ўзининг қарашини зикр этган.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари Истамбул “Millet” кутубхонасида 752 рақам остида, “Ҳасан Паша II” кутубхонасида 4230 рақам остида, “Süleymaniye” кутубхонасида 00436, 01687, 01690, 00852, 00853 ва 00668 рақамлари остида сақланмоқда. Шунингдек, Карл Броккелман асарнинг қўлёзма нусхалари Қоҳирада 74 рақами остида, Искандарияда 32 рақами остида, Рампурда 206 рақами остида, Тунисдаги “Аз-Зайтуна” кутубхонасида 2119 рақами остида сақланаётгани ҳақида ёзган²⁵.

¹⁹ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 146

²⁰ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 361

²¹ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 93; Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151; Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя. – Ж.3. – Б. 116; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 594; Тошқубризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж.2. – Б. 252; Ибн ал-’Имод. Шазарот аз-заҳаб. – Ж.6. – Б. 504

²² Фахруддин Ўзжандийнинг мазкур асари ҳақида 3-фаслда тўлиқ маълумот берилади.

²³ Ал-Қураший. Ал-Жавоҳир. – Ж.2. – Б. 93; Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151; Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя. – Ж.3. – Б. 116; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 594; Тошқубризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж.2. – Б. 252; Ибн ал-’Имод. Шазарот аз-заҳаб. – Ж.6. – Б. 504; Ҳадийя ал-’орифин. – Ж.1. – Б. 280

²⁴ Сезгин Ф. Тарих ат-турос ал-арабий. 4 жилдли. Махмуд Фаҳмий Ҳижозий томонидан араб тилига таржима қилинган. Арафа Мустафо ва Саид Абдур-Раҳим таҳрири остида. – Ар-Риёд. 1991. – Ж.1. 3-Фасл. – Б. 69 (Бундан кейин: Сезгин. Тарих ат-турос.)

²⁵ Броккелман К. Тарих ал-адаб ал-арабий. 6 жилдли. Абдулҳалим Нажжор томонидан араб тилига ўғирилган. – Қоҳира: Дор ал-Маориф, 1959. – Ж.3. – Б. 254 (Бундан кейин: Броккелман. Тарих ал-адаб.); Сезгин. Тарих ат-турос. – Ж.1. – Б. 69



3. “Шарҳ аз-Зиёdot”²⁶ асари (شَرْحُ الزِّيَادَاتِ).

Ушбу асар ҳам Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Аз-Зиёdot” номли асарига ёзилган шарҳдир²⁷. Ушбу шарҳнинг илмий қиймати ва ўзига хослиги шундаки, муаллиф унда аввал фикҳий қоидалардан иборат тамални келтириб, сўнг улар асосида масалаларни келтирган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Истамбул “Millet” кутубхонасида 761, 762 рақамлари остида, “Süleymaniye” кутубхонасида 00974, 01708, **01707**, 01706, 00381 рақамлари остида, “Selimiye” кутубхонасида 824 рақами остида сақланади. Шунингдек, Карл Броккелман асарнинг қўлёзма нусхалари Искандарияда 1330 рақами остида, Берлинда 1191 рақам остида, Бағдодда 4050 рақами остида сақланаётганини ёзган²⁸.

4. “Китаб маса’ил ал-гурур” асари (كِتَابُ مَسَائِلِ الْغُرُورِ).

Карл Броккелманнинг ёзишича, ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Берлин Давлат кутубхонасида сақланмоқда²⁹. Кавакжи мазкур асарнинг мустақил асар эканини шубҳа остига олган³⁰.

Фахруддин Ўзжандийнинг ҳозирги даврга қадар етиб келмаган асарлари:

1. “Шарҳ ал-Жоме ал-кабир” асари (شَرْحُ الْجَامِعِ الْكَبِيرِ).

Ушбу асар ҳақида фақат Исмоил Пошо, шунингдек Ҳожи Халифа “Ал-Жоме ал-кабир” асарининг шарҳлари қаторида зикр этган³¹. Қозихоннинг ушбу асарга шарҳ ёзганини унинг “Шарҳ ал-Зиёdot” асарида “Биз бу ҳақда ал-Жоме ал-кабир асарида айтиб ўтганмиз” деган сўзи ҳам исботлайди³².

2. “Шарҳ адаб ал-Қозий”³³ асари (شَرْحُ آدَبِ الْقَاضِي لِلْخَصَافِ).

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари ҳозиргача аниқланмаган.

3. “Ал-Воқеот”³⁴ асари (الْوَقَائِعُ).

4. “Ал-Амали фил-фикҳи”³⁵ асари (الْأَمَالِي فِي الْفِقْهِ).

Ҳожи Халифа ушбу асарни “Амали ал-Имам Фахруддин Қозихон” деб келтирган³⁶. Шамсуддин Заҳабий ўзининг “Сиярул-Аълом” асарида “Мен кўрган кўп ўринларда имло қилдирган” деб ёзгани асар хусусида айтилган бўлиши мумкин³⁷. Шунингдек, Заҳабий “Тарих ал-Ислом” асарида “Мен унинг “Ал-Амали” асарининг бир жилдини беш юз саксон тўққизинчи йили кўрганман” деб ёзган³⁸.

²⁶ Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 594; Тошқубризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж.2. – Б. 252

²⁷ Сезгин. Тарих ат-турок. – Ж.1. 3-Фасл. – Б. 58

²⁸ Броккелман. Тарих ал-адаб. – Ж.3. – Б. 254; Сезгин. Тарих ат-турок. – Ж.1. 3-Фасл. – Б. 58

²⁹ Brockelmann, GAL. – Ж.1. – Б. 376 (420)

³⁰ Кавакжи. – Б. 128

³¹ Ҳадиййа ал-’орифин. – Ж.1. – Б. 280; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж.1. – Б. 569

³² Қаранг: “Иқроор китоби” – Б. 1336

³³ Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151; Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 594; Тошқубризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж.2. – Б. 252; Ҳадиййа ал-’орифин. – Ж.1. – Б. 280

³⁴ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Ҳадиййа ал-’орифин. – Ж.1. – Б. 280

³⁵ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Ҳадиййа ал-’орифин. – Ж.1. – Б. 280

³⁶ Кашф аз-зунун. – Ж.2. – Б. 165

³⁷ Аз-Заҳабий. Сияр ал-Аълом. – Ж.21. – Б. 232

³⁸ Ибн Қутлубуғо. Тож ат-Тарожум. – Б. 151



5. “Ал-Маҳодир”³⁹ асари (الْمَحَاضِر).

6. “Адаб ал-фудало фил-луғати” асари (آداب الفضلاء في اللغة)

Ушбу асарнинг Қозихон қаламига мансуб экани ҳақида фақат Исмоил Пошо “Ҳадийа ал-‘орифин” маълумот келтирган⁴⁰.

Фахруддин Қозихон қолдирган илмий мерос асосан фикҳ илмига бағишланган бўлиб, унинг асарлари аҳоли ўртасида ёзага келган ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда асосий қўлланма вазифасини бажарган. Шундан хулоса қилиб, мазкур аллома илмий меросини ўрганиш тарихимизнинг ҳуқуқий жиҳатини ёритишда катта ҳисса қўшади деб айтиш мумкин.

Фахруддин Ўзжандий Қорахонийлар даврида Бухорода қози вазифасига тайинланган. Унинг Оли Моза оиласига муҳолиф бўлган Иброҳим ибн Абу Наср ас-Саффордани дарс олгани унинг бу мансабга ўтиришига тўсқинлик қилмаган. Фахруддин Ўзжандийнинг бобоси Маҳмуд ибн Абдул-Азиз ал-Ўзжандий ва Абдул-Азиз ибн Умар ибн Мозаларнинг бир устоз Шамсул-аймма ас-Сарахсийдан дарс олишгани, шунингдек, Фахруддин Ўзжандийнинг устозларидан бири бўлган Заҳируддин ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийнинг ҳам Абдул-Азиз ибн Умар ибн Мозадан фикҳ илмини ўргангани буни исбот этади. Шунингдек, Қорахоний хоқонлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун мансабларга ўзларига хайрихоҳ бўлган уламоларни тайинлашга интилишган. Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фахруддин Қозихоннинг Қорахонийлар томонидан қозилик мансабига тайинлангани у кишининг нафақат фақиҳ ва қози, балки айни вақтда ҳокимиятни қўллаган фақиҳлардан ҳам бўлганига ишора қилади.

³⁹ Лакнавий. Ал-Фаво’ид. – Б. 111; Аз-Зириклий. Ал-А’лом. – Ж.2. – Б. 224; Каҳҳола. Мў’жам. – Ж.1. – Б. 594; Ҳадийа ал-‘орифин. – Ж.1. – Б. 280; Кавакжи. – Б. 128; Кашф аз-зунун. – Ж.2. – Б. 1456.

⁴⁰ Ҳадийа ал-‘орифин. – Ж.1. – Б. 280